



## TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH RUSSIA IN THE 60S-70S OF THE 19TH CENTURY

**Zukhriddin B. Khaydarov**

Lecturer

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [haydarovz.history@gmail.com](mailto:haydarovz.history@gmail.com)

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Bukhara, Russia, market, caravanserais, covered markets, clerk, customs, export, import, dukhoba, silk, fair, trade.

**Received:** 11.11.23

**Accepted:** 13.11.23

**Published:** 15.11.23

**Abstract:** The article shows the trade activities of the Bukhara Emirate with Russia in the 60s and 70s. Also, the progress of trade between the two countries, the type of exported and imported trade products, and the share of funds in trade turnover were analyzed.

## XIX АСРНИНГ 60-70 ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ РОССИЯ БИЛАН ОЛИБ БОРГАН САВДО АЛОҚАЛАРИ

**Зухриддин Б. Хайдаров**

ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [haydarovz.history@gmail.com](mailto:haydarovz.history@gmail.com)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Бухоро, Россия, бозор, карвонсаройлар, усти ёпиқ бозорлар, приказчик, божхона, экспорт, импорт, духоба, ипак, ярмарка, савдо-сотик.

**Аннотация:** Мақолада XIX асрнинг 60-70-йилларида Бухоро амирлигининг Россия билан олиб борилган савдо-сотик ишлари ёритилган. Шунингдек, икки давлат ўртасида амалга оширилган савдо-сотик ишларнинг тараққиёти, экспорт ва импорт қилинган савдо маҳсулотлар тури ҳамда савдо айланмасидаги маблағлар улуши таҳлил қилинган.

## ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА С РОССИЕЙ В 60-70 ГОДЫ XIX ВЕКА

**Зухриддин Б. Хайдаров**

преподаватель

Национальный университет Узбекистана  
 Ташкент, Узбекистан  
 E-mail: [haydarovz.history@gmail.com](mailto:haydarovz.history@gmail.com)

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Бухара, Россия, рынок, караван-сарай, крытые рынки, приказчик, таможня, экспорт, импорт, бархат, шелк, ярмарка, торговля.

**Аннотация:** В статье освещена торговая деятельность Бухарского эмирата с Россией в 60-70 годы XIX века. Также были проанализированы ход торговли между двумя странами, виды экспортируемой и импортируемой торговой продукции, доля денежных средств в торговом обороте.

## КИРИШ

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида (1860-1885 йиллари) мамлакатда янги суғориш иншоотлари, йўллар қурилиши, бозор ва қарвонсаройлар барпо этилди. Натижада, ҳунармандчилик ва халқаро савдо алоқаларининг ўсишига олиб келди. Бухоро амири Абдулаҳад эса Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларида бозор ва қарвонсаройлар қурилиши ва таъмирланишига ҳомийлик қилиб, савдо-сотиқнинг ривожланишига катта эътибор қаратган.

## АСОСИЙ ҚИСМ

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро амирлигининг ҳорижий давлатлар билан олиб борган савдо алоқаларида Россиянинг ўрни муҳим саналган. Рус маҳсулотларига нисбатан амирликда, Бухоро етиштирилган маҳсулотларига нисбатан эса Россияда талаб юқори бўлган. Шу сабабдан икки давлат ўртасида амалга оширилган савдо иқтисодий алоқалар бир неча барабарга ўсди. Амирликнинг ташки савдо алоқаларини олиб боришда Бухоро, Қарши, Самарқанд шаҳарлари асосий тижорат марказлари ҳисобланган. Бу шаҳарлардаги бозор ва қарвонсаройлардан Россиядан келтирилган маҳсулотларни йирик миқдорда сотиб олиш имкони бўлган. Шунингдек, Ҳисор, Денов, Шеробод, Термиз, Шаҳрисабз, Китоб, Каттакўрғон, Ғузор, Ғиждувон, Чоржўй ва Карки каби шаҳарлардаги бозорлардан ҳам рус маҳсулотлари турли нархларда ҳарид қилинган.

Л. Яворского Бухоро - Россия ўртасида олиб борилган савдо алоқалари қарвон йўлларининг ҳавфсизлиги таъминлангандан сўнг яхши тараққий этганлигини ҳамда Россиядан Бухорога ҳар йили 25-30 минг, туяларда ҳар хил савдо моллари келтирилганини маълум қилган. Шунингдек, Бухоро бозорларида сотиладиган савдо молларининг сифати борасида тўхталиб энг яхшиси французларники, кейинги ўринларда рус ва инглиз маҳсулотлари туришини таъкидлайди[1].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида бўлган Южин Скайлер Бухоро бозорларида рус савдогарлари ҳам (асосан татарлар) турли маҳсулотларни сотганлигини

таъкидлайди. Шунингдек, улар Россия фабрикаларида тўқилган чит, духоба, кимхобдан тикилган кийимбошлар ҳамда турли рангдаги Бухоронинг шойи-ипаклари, пахтадан тайёрланган газламаларни ҳам сотишганини ёзади[2].

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида Бухоро бозорлари Ўрта Осиёдаги барча савдо марказлари учун ўзига хос биржа вазифасини ўтаган. Бухоро амирлигининг асосий савдо шаҳри ҳисобланган Бухорода XIX асрнинг 80-йилларига келиб, 60 га яқин карвонсарой ва 50 дан ортиқ катта-кичик бозорларда қизғин савдо ишлари олиб борилган. Бу бозорларнинг аксарияти қисми Лабиховуз майдонидан Регистон майдонигача бўлган оралиқ масофада жойлашган. Энг машхур усти ёпиқ бозорлар - Тоқи Саррофон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Заргарон, Тоқи Аллофон, Тоқи Тиргаронлар ҳисобланган. Ушбу иншоотлар Абдуллахон II даврида барпо этилган бўлсада, бу даврга келиб ҳам қизғин савдо ишларини олиб боришда ўз аҳамиятини сақлаб қолганди[3]. Масалан, биргина “Тоқи Заргаронда 30 дан ортиқ заргарлик дўкони ва устахоналари бўлиб, ҳар хил, қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари ясаб сотилган” [4].

Бухоролик савдогарлар Россиянинг Оренбург, Орск, Тройск, Петропавлоск, Тюмен, Астрахан, Москва, Петербург каби шаҳарлардаги бозорларда ва Ибрат, Нижегород ярмаркаларида мустақил қизғин савдо ишларини олиб боришган. Бухоро амирлиги ва Шарқ мамлакатларидан келтирилган савдо моллари учун Ока ва Волга дарёсининг қўшилиш жойидаги Нижегород ярмаркаси савдо омбори вазифасини ўтаган. Ярмарка ҳар йили июл ойи ўрталарида иш бошлаб, 20-августгача давом этган. Бу ярмаркада Бухородан келтирилган калава (йигирилган ип), ипак, пахта, ип-газлама ва шойи матолар, кийим-кечак, қимматбаҳо тошлар, қорақўл териси, ҳар хил бўёқлар, қўлда гул босилган газламалар, белбоғ, рўён илдизи (марена), бўри ва тулки терилари, қуруқ мева, чой, гиламлар, Кашмир шавлиси каби юзлаб турдаги маҳсулотлар савдога чиқарилган. Айниқса, Бухоронинг “бахти”, “зандани” номли ип-газламаларига Россияда талаб юқори бўлиб, рус аҳолиси кўпроқ харид қилишган [5].

1840-1850 йилларда Ўрта Осиё хонликлари ва Россия ўртасида 10 млн. фунт-стерлингли савдо-сотик ишлари амалга оширилган бўлса, шундан 7.887.85 фунт-стерлинги эса Бухоро амирлиги ҳисобига тўғри келган [6]. 1850 -1852 йилларда Бухоро - Россия ўртасида амалга оширилган савдонинг умумий ҳажми 4 млн. рублга баҳоланган [7]. Манбаларда берилган маълумотларга кўра, Бухородан Россияга олиб борилган баъзи савдо молларининг нархи анча юқори бўлганлиги таъкидланган. Масалан, 1850-60 йилларда ип-газламанинг пуди маҳаллий бозорда нархи 1 рубль 25 копеекни ташкил этган бўлса, Россия бозорларида 6 рублдан, пахта-ип калавасининг пуди 12 рублдан, маҳаллий бозорда эса 7 рубль 50 копеекдан, бўз (15 аршинлик) маҳаллий бозорда 48 копеек, Россия бозорларида 60

копеекка баҳоланган. Бухоро ипаги (пуди) маҳаллий бозорда 120 рубль, Россияда 175 рубль сотилган. Бухоро ипагининг сифати бошқа худудларда етиштирилган ипакларга нисбатан анча юқори бўлганлиги учун ҳам ҳаридоргир бўлган. Россияда Бухоро ложуварди ва феруза тошига нисбатан талаб кучли бўлган. Маҳаллий бозорда ложувард 5 рублга баҳоланган бўлса, Россияда 100 рублга, Феруза тоши маҳаллий бозорда 25 рублга, Россияда 100 рублга баҳоланган [8].

1855-1865 йилларда Бухородан Россияга маҳсулот чиқариш 5,5 баробарга, Россиядан Бухорога эса маҳсулот олиб кириш 3 баробарга ўсди. 1840-1850 йилларда амалга оширилган савдо айланмаси 12.525 минг рубльни ташкил этган бўлса, 1867 йилда бир йиллик савдо айланмаси эса 10.525 минг рублга етган. Россия империясининг Ўрта Осиёга нисбатан олиб борган истилочилик ҳаракатлари Бухоро - Россия ўртасида амалга оширилган савдо-сотиқ ишларига ўзининг салбий таъсирини ўтказган. Бу эса савдо ҳажмининг ҳам кескин камайиб кетишига ўз таъсирини ўтказди. Масалан, 1864 йилда Бухородан Россияга 6.868.343 рубллик савдо моллари чиқарилган бўлса, 1865 йил эса икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 3.454.319 рублга тушиб кетди [9]. 1866 йилда Бухородан Россия чиқарилган савдо молларининг умумий нархи 3.454 минг рублни, Россиядан Бухорога киритилган маҳсулотларнинг нархи эса 877 минг рублни ташкил қилган. 1867 йилдан бошлаб икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми аста-секин кўтарилгани кўзга ташланади. Шу йили амирликдан Россияга 6 млн. 215 минг рубллик савдо моллари экспорт қилинган бўлса, Россиядан эса 4 млн.310 минг рубллик [10] маҳсулотлар импорт қилинганига гувоҳ бўламиз.

Бухоро-Россия савдо алоқаларига назар ташлайдиган бўлсак, икки давлат ўртасида савдо-сотиқ ишларини олиб боришда маълум бир тартиб-қоида жорий этилганди. Бу тўғрисида П.Неболсинн ўзининг кундаликларида маълумот бериб ўтган. Россиядан келаётган карвон Бухоро шаҳридан 50-60 верст масофа узоқликдаги “Назарбой гумбаз” карвонсаройига келиб жойлашган. Шундан сўнг, карвонсаройнинг бошлиғи карвон Россиянинг қайси шаҳаридан келаётганлиги, йўлларда тўпланган бож миқдори, божгирлар қандай муносабатда бўлгани тўғрисида амирга маълумот бериб, карвонсаройга закотчи юборишини сўраган. Амир томонидан юборилган закотчи карвонда келтирилган маҳсулотларнинг тури, уларнинг умумий миқдорини ҳисобга олгандан сўнг, карвонга Бухоро шаҳрига киришга тавсия қилинган. Савдо карвони шаҳарга киришда божхона ходимлари томонидан карвондаги туя сони ва карвондаги ҳар бир савдогарга тегишли молларни рўйхатдан ўтказиб, шундан сўнг, савдо молларни белгиланган жойларга етказишга рухсат берилган. Савдогарлар маҳсулотлар тури ва миқдорига қараб,

карвонсаройдаги дўконларни ижарага олишган ва ойига 5-6 тангадан ижара пулини тўлаб келган [11].

1868-йили Россия матбуотида яъни “Русский инвалид” газетасининг 16-мартдаги 102 сониди бухоролик савдогарлар тўғрисида мақола эълон қилинган бўлиб, унда бухоролик савдогарлар ишончли тижоратчилар эканлиги қайд қилинган. Мақолада “бухоролик савдогарлар очикқўнгил, ҳатти-ҳаракатда эҳтиёткор, савдода-сотик ишларини белгиланган қонун талаблари асосида олиб боради ва ҳалол одамлардир” деб таъриф берилган. Шунингдек, бу ерда (Россияда) бирор бир бухоролик савдогар ҳеч кимни алдамаганини, лекин рус савдогарлари ўртасида бир-бирини алдаш ҳоллари тез-тез учраб туришини, бухоролик савдогарлар катта миқдордаги молларни Москва, Нижнийновгород ва Ибрит шаҳарларида қарзга ҳам бериб турганларини, шу боис улар рус савдогарлари ва рус ҳукумати олдида ҳам катта ишончга эга бўлганликлари ёритилган [12].

Ю.Скайлер Бухородаги бозорларда турли тоифадаги одамлар билан сидқидилдан суҳбатлашиб ҳузурлангани, бозордаги дўконда савдо қилувчи рус ўртоғи билан 20-30 дақиқа суҳбат қилганини, Амирликда савдогарлар учун қулай шароит яратилганлиги учун улар тез бойиб кетиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган [13]. Оренбург чегара бўлимининг бошлиғи Г.Ф.Гейнснинг берган ахборотида кўра, Россияда савдо-сотик билан шуғулланувчи бухоролик савдогарларнинг асосий қисмини приказчиклар ташкил этган. (Приказчик – россиялик ёки бухоролик савдогар номидан иш олиб борувчи киши.) Улар бухоролик ва бошқа қўшни хонликларда яшовчи маҳаллий савдогарларнинг маҳсулотларини насияга олиб, Россия шаҳарларида савдо-сотик ишларини олиб боришган. Шунинг учун, приказчиклар фойдадан тушган даромаднинг 30% ини маҳаллий савдогарларга бериб келган. Улар хорижий мамлакатларда бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлаш учун 5-10 кишилик кичик жамоаларга бирлашганди [14].

Бухоро амирлигидан Россияга экспорт қилинган савдо моллари ичида ипак ва ипак маҳсулотларининг ҳам улуши юқори бўлганлигини кўриш мумкин. Н.Ф. Петровский Бухордан 1862-1866 йиллар мабойнида Оренбург божхона бўлими орқали 393,479 рубллик ипак хомашёси, 1868 йил 9 сентябрдан 1869 йил 1 июнга қадар Казалинский уезди орқали эса Россияга 5038 пуд ипак ва ипакдан тайёрланган маҳсулотлар чиқарилиб, умумий қиймати 1.072819 рублга етганини ёзади [15]. 1868 йилнинг сентябридан 1869 йилнинг сентябригача бўлган даврда Бухородан Казал божхониси бўлими орқали Россияга 4 млн. 193 минг рубллик савдо моллари экспорт қилинди. Бухородан Россияга чиқарилган ипак ва ипак маҳсулотларидан ташқари пахта, қорақўл териси ва қуруқ мевалар асосий экспорт маҳсулотлари ҳисобланган. 1869 йилда Бухоро ва Россия ўртасидаги амалга оширилган савдо айланмасининг жами сўммаси 11 млн. рублга етган [16].

XIX асрнинг 60 йилларигача Бухоро-Россия ўртасида олиб борилган савдо алоқалари тўғрисидаги статистик маълумотларни Оренбург-Сибирь, Казал ва бошқа божхона бўлимларидан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилиш мумкин бўлган. 1868 йилдан бошлаб эса Оренбург-Сибирь божхона линияси бекор қилинди, шундан сўнг статистик маълумотларни тўплаш ҳам тўхтатилган. Южин Скайлер Оренбург-Сибирь божхонаси ёпилгандан сўнг амирликнинг Россия билан олиб борган савдо алоқаларини аниқ рақамларда кўрсатиш жуда мушкул иш эканини такидлайди. Бухоро-Россия ўртасида импорт ва экспорт қилинган маҳсулотларнинг миқдори ва нархи тўғрисида маълумотларни энди фақат қайд қилинган декларациялардангина олиш мумкинлигини ёзади [17].

### ХУЛОСА

XIX асрнинг 60-70 – йилларида Бухоро амирлиги Россия билан жадал суратларда савдо алоқаларини давом эттирди. Бу даврда савдо-сотик ҳажми кенгайиб бир неча бараварга ўсди. Бухоролик савдогарларнинг нуфузи анча юқори бўлиб, Россиянинг турли шаҳарларида мустақил равишда савдо ишларини изчил амалга оширди. XIX асрнинг 70 йилларидан бошлаб, Россия империяси Бухоро амирлигини ўзининг ҳомашё бозорига айлантиришга доир ҳаракатларини олиб борди. Россия матбуотида бухоролик савдогарларнинг очикқўнгил, ҳатти-ҳаракатда эҳтиёткор, савдо-сотик ишларини белгиланган қонун талаблар асосида бажариши, рус савдогарлари ва рус ҳукумати олдида ҳам улар катта ишончга эга бўлганликларининг ёритилиши икки мамлакат ўртаси савдо алоқалари жадал ривожлаганлигидан далолат беради.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Яворского И.Л Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг.С-Петербург-1882- С.342.
2. Скайлер Ю. Туркистон: Россия Туркустони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари / Инглиз тилидан таржима ва изоҳлар З.А.Саидбобоев. – Тошкент. 2019. – Б.142.
3. Khaydarov, Z. B. (2023). TRADING CENTERS OF THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE 19TH AND EARLY 20TH CENTURIES. Oriental Journal of History, Politics and Law, 3(04), P. 3.
4. Раззоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари ( XIX асрнинг 60-90 йиллари): Тарих фанлари номзодлиги илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1994. Б – 28
5. Раззоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари ( XIX асрнинг 60-90 йиллари): Тарих фанлари номзодлиги илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1994. Б – 43.

6. Ochildiev, F. B. (2019). TRADE RELATIONS BETWEEN BUKHARA-RUSSIA IN THE SECOND HALF OF XVIII CENTURY-IN THE XIX CENTURY. *Theoretical & Applied Science*, (5), P. 486.
7. Михалева Г.А Узбекистан в XVIII – первой половина XIX века ремесло, торговля и пошлины. – Т.: Фан, 1991. С – 100.
8. Туркестанский сборник, том 375. С . – 76
9. Ochildiyev, F. (2019). TRADE RELATIONS BETWEEN BUKHARA AND RUSSIA IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY-THE BEGINNING OF THE XX CENTURY//Social Sciences: Achievements and Prospects Journal 3 (11), 2019/OEAPS Inc.(Open European Academy of Public Sciences); Chief Editor Mark Freeman-Barcelona, Spain. 16.03. 2019: OEAPS Inc., 2019.-P. 54.
10. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент, “FIRDAVS-SHOH” 2022. Б. – 134.
11. Небольсин П. Порядок очищения товаров. –С.2-3 (очерки торговли..)
12. Туркестанский сборник, том 7. –С.153.
13. Скайлер Ю. Туркистон: Россия Туркустони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари / Инглиз тилидан таржима ва изоҳлар З.А.Саидбобоев. – Тошкент. 2019. – Б 303-305.
14. Раззоков Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари ( XIX асрнинг 60-90 йиллари): Тарих Ғанлари номзодлиги илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1994. Б – 44.
15. Петровский Н.Ф. Шелководство и Шелкомотаниев Средней Азии. Тифлисъ. Типография К.П.Козловскаго. 1904. С.7-9.
16. Скайлер Ю. Туркистон: Россия Туркустони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари / Инглиз тилидан таржима ва изоҳлар З.А.Саидбобоев. – Тошкент, 2019. – Б. 161-163.
17. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент, “FIRDAVS-SHOH” 2022. Б. – 136.
18. Khaydarov, Z. (2021). ARCHAEOLOGY OF KESH AND SHAKHRISABZ: ON THE BASIS OF KATE REPORTS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X)*, 2(11), 52-57.

19. Ochildiyev, F. B. (2023). THE SYSTEM OF GOVERNMENT IN THE BUKHARA EMIRATE IN THE LATE XIX AND EARLY XX CENTURIES. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 3(01), 46-55.
20. Mannonov A. Prisoner's mother demands compensation from penitentiary department for her son's death. Asia-Plus online of March. 2016;17.
21. Muhamedov, Y. K. (2019). THE HISTORY OF COMMERCIAL ECONOMICAL-CULTURAL RELATIONS OF TASHKENT OASIS. *Theoretical & Applied Science*, (10), 579-582.